ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ИДЕОЛОГИЯ ИШИ ТАЖРИБАСИДАН

# ИНСОН АЗИЗ

**Яқинда мени Ҳамза шаҳридаги нефтни қайта ишлаш заводи маданият саройига таклиф қилишди. Кундалик ишлар ғоят тиғиз бўлишига қарамай, таклифни қабул қилганимдан жуда мамнун бўлдим. Муҳташам маданият саройи корхонанинг ҳурматли, обрў-эътиборли кишилари билан тўлди. «Меҳнатга шон-шарафлар!» Шу мавзуда ўтказилган кечада меҳнатда шуҳрат қозонган нефтчилар шарафига дил сўзлари янгради. Ишчи синфининг кекса авлодларига «Меҳнат ветерани» медаллари, бошқа қимматбаҳо мукофотлар топширилди. Улар орасида деярли 40—45 йилдан буён мана шу корхонада меҳнат қилиб келаётган ажойиб замондошларимиз, ёшларнинг мураббийлари А. Отажонов, В. Ельяшевич, З. Валиев, В. Кудинов, Т. Биккузин, А. Алексеева, Б. Собитов ва бошқалар бор эди...**

Гапни ана шу кеча таассуротидан бошлаганим бежиз эмас. Нефтни қайта ишлаш заводи чоракам бир асрлик тарихга эга. Бу коллективда авлодлар ворислигининг ғоят самарали занжири таркиб топганки, унинг ҳар бир ҳалқасида меҳнаткаш инсонга энг самимий ҳурмат туйғулари ифодаланиб келмоқда. Партком тарбия ишига комплекс ёндашиб, энг муҳим масала — инсоншуносликка узлуксиз аҳамият бермоқда, янги инсонни камол топтиришда ҳамма синалган, таъсирчан иш усуллари ва омилларидан оқилона фойдаланмоқда.

Маданият саройи мана шу ишларнинг чинакам марказига айланган. Нефтчилар бу ерда дам оладилар, ибратли тажрибалари билан ўртоқлашиб, ҳаётий муаммоларни бамаслаҳат ҳал қиладилар.

Инсон меҳнатини қадрлаш, унинг олижаноб фазилатларини баҳолай билиш ва рағбатлантириш «Узсельхозтехника» район бирлашмаси коллективида ҳам ижобий тарзда ҳал этилмоқда. Коллектив Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиққан экан, бунинг замирида ҳам оддий меҳнаткаш инсон турибди. Бу ерда одамлар билан сурункали иш олиб борилади. Ҳалол меҳнат, ташаббускорлик, фидокорлик рағбатлантирилади.

Замондошларимизни маънавий жиҳатдан камолга етказишда, совет турмуш тарзини такомиллаштиришда, ҳар бир кишида актив ҳаётий позицияни шакллантиришда турмуш маданиятини юксалтириш борасидаги ишлар муҳим ўрин тутмоқда. Бу идеологик, сиёсий-тарбиявий фаолиятнинг таркибий қисмини ташкил этади. Аҳоли турмуш маданиятини юксалтириш бўйича район координацион совети қишлоқларнинг қиёфасини ўзгартириш, уларни ободонлаштириш, кишиларда гўзалликка, нафосатга майлни тарбиялаш вазифаларини собитқадам ҳал этмоқда. Ҳозир қишлоқларни ободонлаштириш беш йиллик плани асосида катта иш олиб борилмоқда. Район маркази, «Ленинизм», «Пахтаобод», «Москва», М. Горький номли, «Ленинград» колхозлари марказлари, «Ленинобод» ва «Пахтакор» совхозлари марказий қўрғонларини ободонлаштириш бўйича анчагина тадбирлар амалга оширилди. Қишлоқларда Улуғ Ватан уруши қатнашчиларининг хотираси абадийлаштирилган ёдгорликлар қад кўтарди. Марказий Фарғонадаги хўжаликларнинг қишлоқлари ҳам тобора обод бўлиб бормоқда. «Пахтакор» совхозида областда биринчи санаторий-профилакторий ташкил этилди.

Биз партия ташкилотларининг эътиборини инсон тарбиясининг барча вазифаларини узвий бирликда, бир маромда олиб боришга қаратмоқдамиз. Сиёсий тарбия иши инсон тўғрисида, унинг кундалик ҳаёти тўғрисида ғамхўрлик билан пухта уйғунлаштириб юборилмоқда. Иқтисодий вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш социал вазифалар билан қўшиб олиб борилмоқда.

Ҳар бир инсон ўзига хос кичик бир олам. Партия ташкилотлари бу оламнинг ҳамма фазилатлари ва қусурларини вақтида илғаб олиш, уларга сезгирлик билан муносабатда бўлиш, инсон одамийлиги, эл-юртга келтираётган нафи билан азиз деган қоидага амал қилиб иш юритмоқдалар. Шу ўринда Энгельс номли колхоз партия ташкилотининг фаолиятига тўхталмоқчимиз. Бу партия ташкилотида саховатли, ҳалол меҳнати билан обрў топган кишилар кўп. Совет турмуш тарзининг ҳамма жиҳатлари одамлар тақдирида ва ҳаётида ўзининг ёрқин ифодасини топишига эришилмоқда. Муваффақиятларнинг асосий замини меҳнат интизомининг мустаҳкамлигида, кишиларнинг ўзаро оқибатида, кекса деҳқонларнинг ёшларга мураббийлигида, одамлар ҳалол меҳнат билан қадр-қиммат топаётганлигида. Чўлда янги ерлар ўзлаштириб, у ерда ёшлар бригадаси ташкил этиб, унга ҳануз етакчилик қилаётган Назирқул Тўхлиев, СССР Давлат мукофотининг лауреати Фазилат Қўзибоева, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, ҳар йили 15—16 тоннадан пахта териб, довруғ таратаётган чевар теримчи Раҳимахон Охунжонова, республикада хизмат кўрсатган пахтакор, 50—60 центнерчилик ҳаракатининг байроқдори Қумбой Охунчаев, ўттиз йилдан ортиқроқ бригадирлик қилаётган Иброҳимжон Исмоилов каби меҳнатга онгли, коммунистик муносабатда бўлаётган фидойилар оз эмас.

Ҳақиқий инсон дарахт кўкартириб, иморат қуриб, йўл очиб, зарбдор меҳнати билан ўзига ҳайкал ўрнатади. Бу ўринда яна бир ҳалол меҳнаткаш инсон ҳақида айтиб ўтмоқчи эдим. «Комсомол» колхозининг синалган бригада бошлиқлари сафида бу йил Маъруфжон Йўлдошев ҳам фаолият кўрсатмоқда. Маъруфжон ҳали ёш. Лекин ёшлик унинг районда машҳур бўлиб кетишига тўғаноқ бўла олмади. Чунки М. Йўлдошев ўз бригадасида меҳнатга коммунистик муносабат руҳини шакллантира билди. Ҳатто, бригада территориясидаги ариқ-зовурларнинг бўйларидан резерв ер топиб, уларга чигит, ошқовоқ, тарвуз экди. Бригадада ҳар бир меҳнаткашнинг ишига алоҳида эътибор билан қаралади, одамларнинг ташаббуси қўллаб-қувватланади, гражданлик активликлари оширилади. Район партия комитети ана шундай ибратли тажрибаларни кенг жамоатчилик мулкига айлантириш учун идеология фронти ходимлари билан муттасил иш олиб бормоқда.

Бизда раҳбарларнинг муқимлигини таъминлаб, иш жараёнида ўзларини кўрсатишлари, ташаббус билан чиқишлари, оммага бошчилик қилиш сабоқларини кенг эгаллаб олишлари учун имконият яратилиб, уларга яқиндан кўмак бериб борилади. Шуни айтиб ўтиш кифояки, районда кейинги йилларда раҳбар кадрларни арзимас баҳоналар билан ўзгартириш практикасига барҳам берилди. Кейинги беш йил давомида фақатгина райондаги йирик хўжалик — «Пахтакор» совхозининг раҳбарлари алмаштирилди, холос. Ҳаёт бу тенденция тўғри эканлигини кўрсатмоқда. Ана шу совхозда қолоқлик ўрнига илғорлик юзага келди, меҳнат интизоми яхшиланди, давлат план топшириқлари мунтазам равишда бажариладиган бўлиб қолди. Биз кадрлар ўз имкониятларини тўлақонли юзага чиқишларига, ёшлар тарбиясига жиддий таъсир кўрсатишларига, ўзларининг ҳалол меҳнатлари билан эл-юртда обрў топишларига эришмоқдамиз.

Район партия ташкилотлари КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь Пленуми кўрсатмалари асосида партия, давлат ва меҳнат интизомининг ҳар қандай бузилишига қарши қатъий кураш олиб бормоқдалар. Хусусан кейинги пайтларда Охунбобоев номли, «Ленинизм» колхозлари ва «Пахтакор» совхозида ана шу масалага бағишлаб ўтказилган чуқур текширишлардан сўнг меҳнаткашлар иштирокида йиғилишлар ўтказилди, бу соҳада партия, касаба союз, комсомол ташкилотларининг, халқ контроли группалари ва оммавий ахборот воситаларининг таъсирчанлиги оширилди.

Янги инсонни камол топтиришда қўлланилаётган идеологик, тарбиявий-сиёсий таъсирлар пировард натижада районни социал-иқтисодий ривожлантиришга, давлат планлари, мажбуриятларни ошириб бажаришга самарали таъсир кўрсатмоқда. Район меҳнаткашлари ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йилида ўз зиммаларига олган 45 минг тонна пахта, бошқа кўплаб қишлоқ хўжалик, чорвачилик ва саноат маҳсулотлари етиштиришдек улкан мақсад йўлида фидокорлик билан меҳнат қилмоқдалар.

Совет жамияти бу меҳнат аҳллари жамиятидир. Шундай экан, ишда ижодий муҳит, эртанги куннинг порлоқ бўлиши учун кураш турмуш тарзимизнинг таркибий қисмидир. Район партия ташкилотлари бутун куч ва ғайратларини янги инсонни тарбиялашдек шарафли вазифани муваффақиятли бажаришга сафарбар этмоқдалар.

**У. БЕГМАТОВ,**
**Фарғона область Олтиариқ район партия комитетининг биринчи секретари.**

# НАЙРАМДАЛ—ДЎСТЛИК—ДРУЖБА

**(Боши биринчи бетда).**

ҳамма жойда бизга астойдил эътибор билан қаралаётганини совет кишиларининг монгол халқига нисбатан чинакам қардошларча меҳр-муҳаббат ва дўстлик туйғуларининг ифодаси, деб биламиз. Бугунги учрашув Совет Ўзбекистонининг пойтахти — Тошкентда ўзбек халқи ижодий бунёдкорлик меҳнатининг мужассами, кўпмиллатли улуғ Советлар мамлакатидаги барча халқлар ленинча дўстлигининг тимсоли бўлмиш мана шу қадимий, аммо абадий навқирон шаҳарда ўтаётганлиги бизни, айниқса, қувонтиради.

Шу йилнинг июлида бизнинг халқимиз совет халқи билан, социалистик мамлакатлардаги бошқа халқлар билан биргаликда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг бевосита таъсирида ғалаба қозонган Монголия халқ революциясининг 62 йиллигини кенг нишонлади. Кураш ва бунёдкорлик билан ўтган мана шу йилларнинг ҳаммаси мобайнида монгол халқи ўзининг энг содиқ дўсти ва иттифоқчиси — социализм ва коммунизм йўлига биринчи бўлиб қадам қўйган улуғ совет халқининг қудратли елкасига, унинг беғараз интернационал ёрдами ва мададига доимо таяниб келди, бу ёрдам ва мадад МХР озодлиги ва мустақиллигининг ишончли гарови, унинг янада ривож ва равнақ топиши гарови бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

Делегация бошлиғи МХРП XVIII съезди қарорларини, еттинчи беш йиллик топшириқларини Монголия меҳнаткашлари қандай бажараётганликлари ҳақида гапирди. Халқ Монголияси, деди у, тарихан қисқа муддат ичида асрларга тенг йўлни, ўрта аср зулматидан порлоқ социалистик воқеликка эришиш йўлини босиб ўтди. Мана шуларнинг ҳаммаси Улуғ Октябрь озодлик ғоялари монголлар диёрида тантана қилганлигининг ёрқин далилидир, монгол ва совет халқлари ўртасидаги барча зафарларимизнинг манбаи бўлмиш мустаҳкам ленинча дўстликнинг самарасидир.

Улуғ совет халқининг коммунистик қурилишдаги буюк муваффақиятлари социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг халқлари, бутун тараққийпарвар инсоният учун илҳом манбаи бўлиб хизмат қилмоқда. Жаҳон халқлари Совет Иттифоқини ўзларининг энг содиқ дўсти деб, тинчлик учун, миллий ва социал озодлик учун, ҳуқуқсизликка ва инсон инсонни эксплуатация қилишининг ҳамма шаклларига қарши курашда ишончли таянч ва йўлчи юлдуз, деб биладилар.

Тараққийпарвар инсоният, шу жумладан монгол халқи, — деди Дамдингийн Гомбожав, КПСС билан Совет давлатининг изчил тинчликсеварлик йўлини, уларнинг тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш, қуролланиш пойгасини жиловлаш, термоядро фалокати хавфини тугатиш йўлидаги актив, тинимсиз куч-ғайратларини ва неча марталаб қилган амалий таклифларини тўла-тўкис қўллаб-қувватлайди. Совет Иттифоқининг янги олижаноб ташаббуслари халқаро муносабатлар тарихига, КПСС билан Совет давлатининг ленинча тинчликсеварлик сиёсати солномасига зарҳал ҳарфлар билан ёзилгусидир.

Тошкентни ҳақли равишда тинчлик ва дўстлик шаҳри, деб атайдилар. Биз ҳам бу ерда инсоният янги жаҳон уруши даҳшатларини қайтадан кўрмаслиги учун монгол халқи ўзига боғлиқ бўлган ҳамма ишни қилади, деб ифтихор билан айта оламиз.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин, республика Министрлар совети раисининг ўринбосарлари Р. Х. Абдуллаева, Қ. А. Аҳмедов, М. Т. Турсунов, А. Р. Хўжаев иштирок этдилар. Йиғилишда МХР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, Маданият министри, Монгол-Совет дўстлиги жамияти Марказий кенгаши раисининг ўринбосари Дондогийн Цэвэгмид, Монголия делегациясининг бошқа аъзолари, Совет-Монгол дўстлиги жамияти правлениесининг раиси, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССРнинг космонавт-учувчиси В. В. Горбатко, МХРнинг Тошкентдаги Бош консули Пунцагийн Дэчин ҳозир бўлдилар.

МХРнинг Ўзбекистон ССРдаги кунлари тантанали очилиши маросимидан кейин монгол артистлари катта байрам концерти қўйиб бердилар. Қардош мамлакат саҳна усталари тошкентликларга халқ қўшиқлари ва замонавий ашулалардан, тароналар ва рақслардан, санъатнинг ҳамма жанрларига мансуб байрамона томошалардан иборат ранго-ранг гулдаста тортиқ қилдилар. Концертда тинчликни, совет ва монгол халқларининг мустаҳкам дўстлигини шарафловчи сўзлар янгради. Монгол шоири Цэдэндорж: «Мазлум монголларга Ильич дўстлик қўлини узатиб, тўғри йўлни кўрсатди, шу бўлди-ю, биз совет халқи билан чамбарчас бирлашдик!», деган сўзлар билан бу улуғ дўстликни мадҳ этган эди.

(ЎзТАГ).

# Монголиялик дўстлар виставкаси

**(Боши биринчи бетда).**

МХР билан СССР ўртасидаги қардошларча дўстлик ҳақида, социализм қуриш йўлидан шаҳдам қадам ташлаб бораётган мазкур мамлакат меҳнаткашларининг шонли ишлари ҳақида ҳикоя қилади.

Тошкентликлар ва республика пойтахтининг меҳмонлари томоша қилиш имкониятига эга бўлган асарлар орасида МХР халқ рассоми А. Сэнгэцохионинг «В. И. Ленин қабулида» полотноси, Е. Улзийхутаганинг «Рус оғамиз» картинаси, Н. Лувсанцэрэннинг ёғочдан ишланган «Қишлоқ учун кўчма дўкон» деган ажойиб ҳайкали, А. Алтанхояганининг «Йилқичи» картинаси, МХР халқ рассоми Н. Цултэманинг «Олға» полотноси ва бошқа асарлар бор.

Виставканинг тантанали очилиш маросимида МХРП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, МХРП Марказий Комитети секретари, Монгол — Совет дўстлиги жамияти Марказий кенгашининг раиси Дамдингийн Гомбожав, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари И. Г. Анисимкин, О. У. Салимов, Н. Ж. Худойбердиев, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. Т. Турсунов, Совет — Монгол дўстлиги жамияти правлениесининг раиси, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси В. В. Горбатко, Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари М. Ф. Солдатов, МХРнинг Тошкентдаги Бош консули Пунцагийн Дэчин ҳозир бўлдилар.

* * *

«Ҳозирги Монголия» фотовиставкаси шу кунлардаги Монголиянинг қиёфасини, мамлакат меҳнаткашларининг шонли ишларини ва ёрқин орзу-умидларини акс эттиради. Мамлакат меҳнаткашлари халқ ҳокимияти йилларида социалистик қурилишда улуғвор муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар. Виставка 23 сентябрь куни Тошкентдаги СССР халқлари дўстлиги музейида тантанали суратда очилди.

(ЎзТАГ).

## МОНГОЛИЯГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистонда МХР кунлари қатнашчиларининг Тошкентда матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Журналистлар союзи правлениесининг раиси З. И. Есенбоев очди.

МХР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, маданият министри Монгол — Совет дўстлиги жамияти Марказий кенгаши раисининг ўринбосари Дондогийн Цэвэгмид журналистлар ҳузурида нутқ сўзлаб, экономика ва маданиятни ривожлантиришда халқ республикаси эришган муваффақиятлар тўғрисида, қардош Монголияда янги ҳаёт барпо этиш ишига Совет Иттифоқи қўшаётган ҳисса ҳақида гапириб берди.

Ўзбекистон ССРда МХР кунлари совет ва монгол халқлари дўстлигини ривожлантиришга янги ҳисса бўлиб қўшилиши матбуот конференциясида таъкидлаб ўтилди.

(ЎзТАГ).

Эртага—Машинасозлар куни

# ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Машинасозлик совет экономикасининг етакчи, ўзак тармоқларидан бири бўлиб, у ижтимоий ишлаб чиқариш даражасини ошириш ва меҳнат унумдорлигини юксалтиришда муҳим роль ўйнайди. Жонажон Коммунистик партиямиз ва Совет ҳукумати техник реконструкциялаш ва мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш асоси сифатида Ватан машинасозлигини жадал суръатлар билан ривожлантиришга катта аҳамият бериб келмоқдалар.

КПСС XXVI съезди қарорларига биноан янги техника ижодкорлари олдида ўн биринчи беш йилликда халқ хўжалигининг барча тармоқларини техник жиҳатдан қайта қуроллантириш вазифаси қўйилган. КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленумида қабул қилинган Озиқ-овқат программасини муваффақиятли амалга ошириш ишлаб чиқариш потенциалидан юксак самара билан фойдаланишни ва қишлоқ хўжалигининг, агросаноат комплекси барча тармоқларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашни тақозо этади. Барча машинасозлик ишлаб чиқаришининг ишчилари, конструкторлари, инженерлари зиммасига биринчи даражали муҳим вазифа — 1990 йилгача деҳқончилик ва чорвачиликни комплекс механизациялаш ҳамда саноатнинг озиқ-овқат тармоқларини янги техника асосида қайта қуроллантиришни асосан тамомлаш вазифаси қўйилган. Ўзбекистонлик машинасозлар ҳам қўлни-қўлга бериб, мамлакатимиздаги барча касбдошлари каби 1983 йил ва умуман беш йиллик план топшириқларини муддатидан илгари ортиғи билан бажариш учун ўзаро социалистик мусобақада фаол иштирок этмоқдалар. Мусобақа пешқадамлари орасида «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг етакчи мутахассисларидан бири Тельман Тангриберганов ҳам бор. Унинг бирлашмага ишга келганига ҳадемай ўн йил тўлади. Бу муддат унчалик кўп эмас. Аммо Тельман шу қисқа вақт ичида атом ва иссиқлик электр станциялари блокларини автоматик бошқариш системасини ишлаб чиқиш соҳасида кўзга кўринарли ишларни амалга оширди.

Машинасозлик ишлаб чиқариши меҳнаткашлари ўзларининг анъанавий байрамларини ижодий изланиш, юксак касб маҳоратини эгаллаш, янги техникани яратишдаги муваффақиятлари билан кутиб олмоқдалар.



Суратда: ишлаб чиқариш илғори Т. Тангриберганов. В. Молгачев фотоси.

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада халқ соғлиғини сақлашни ривожлантиришдаги хизматлари учун халқ депутатлари Фарғона область Совети ижроия комитети соғлиқни сақлаш бўлими мудирининг ўринбосари ўртоқ Раиса Васильевна **Терентьевага «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач»** фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми сув хўжалиги ва совет органларида кўп йил, самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан халқ депутатлари Бухоро область Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари ўртоқ Николай Михайлович **Карякинга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ирригатор»** фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ёш авлодга таълим ва коммунистик тарбия бериш соҳасидаги хизматлари учун Қарши шаҳридаги 7-ўрта мактаб директори ўртоқ **Эш Жалиловга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи»** фахрий унвони берди.

# ИЖОДКОР МАСЪУЛИЯТИ

АДАБИЙ ЎЙЛАР

**И**НСОНИЯТ йигирманчи асрнинг ҳам еттидан олти қисмини яшаб бўлди. Ҳозир социологлар жуда жиддий равишда асримизнинг етакчи қонуниятларини умумлаштириш ва навбатдаги учинчи минг йилликнинг биринчи асрини прогноз қилишга киришганлар. Чунки бу асрнинг биринчи ярмида тўла намоён бўлиши керак бўлган авлод бугун илм эгаллаш билан банд. Худди шу масалаларни адабиётшунослик ҳам ҳал қилишга интиляпти. «Вопросы литературы», «Литературное обозрение» каби журналларда асримиз адабиётининг етакчи тенденциялари, унга хос хусусиятлари ҳақида қизиқарли ва мазмундор мақолалар босилди, илмий баҳслар бўлди, баъзилари ҳануз давом этмоқда.

Кўпчилик олимларнинг умумий фикри шундайки, XX аср адабиётининг энг феноменал ҳодисаси социалистик реализм ижодий методи ва унга амал қилувчи кўп миллатли совет адабиётидир. Чиндан ҳам бу адабиёт ва унинг ижодий методи шу асрда туғилди, такомил топди ва бугун жаҳон адабиётининг байроқдори бўлиб турибди.

Бу ҳодисанинг жонли шоҳиди ва фаол иштирокчиси бўлган улкан рус ёзувчиси Константин Федин бир нутқида айтган эдики, агар асримизнинг йигирманчи йилларида дунёнинг турли бурчакларидаги китоб магазинларида «Совет адабиёти—бу нима?», деб сўрашган бўлса, асримизнинг эллигинчи йилларидан буён то шу кунгача худди ўша ерларда ҳар куни одамлар: «Совет адабиёти асарлари борми?», деб сўрайдилар.

Асарларида ифода этилаётган илғор ғоялар айни вақтда бу мазмун ўзига муносиб ва ранг-баранг бадиий шаклларда маҳорат билан ифода этилаётганлиги туфайли кўп миллатли совет адабиёти бугун жаҳон ўқувчиларининг диққат марказида.

Агар шу фикрнинг далилини ўзбек адабиёти мисолида кўрмоқчи бўлсак, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Садриддин Айний, Абдулла Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, Уйғун, Шароф Рашидов, Комил Яшин, Зулфия, Назир Сафаров каби қатор улкан адибларимизнинг асарлари мамлакатимиз ва чет эл тилларида минглаб нусхаларда нашр этилиб, кенг тарқалиб ҳам халқимизнинг, ҳам совет адабиётининг оламшумул обрўйига обрў қўшаётганларини эслашнинг ўзи кифоя. Кўп миллатли совет адабиётининг бу улкан ютуқлари социалистик жамиятнинг бошқа соҳаларидаги муваффақиятларга ҳамоҳангдир. Барча зафарларимизнинг энг асосий гарови эса Коммунистик партиянинг доно раҳбарлигидир.

Бундан етмиш йил аввал Владимир Ильич Ленин ўша йиллардаги энг машҳур пролетар шоири Демьян Бедний фаолиятини баҳолаб ёзган бир хатида бадиий ижоддаги истеъдоднинг ролини жуда тўғри аниқлаган ва талант ноёб ҳодиса эканлигини, шунинг учун ҳам уни эҳтиёткорлик билан системали равишда қўллаб-қувватлаш зарурлигини уқтирган эди.

Улуғ доҳийнинг мазкур фикри Коммунистик партиянинг маданий сиёсатига асос қилиб олинган. Партия ҳамиша талантни юксак эъзозлади, уни умумхалқ бойлиги, деб билди. Ижодкорларга тинмай ғамхўрлик қилиб келди. Узлуксиз янгиланиб бориш — санъатнинг қонуниятларидан бири. Қайтариқ ижодга асло тўғри келмайди. Ҳар бир ростакам санъаткор қайсидир бир қирраси билан новатор бўлиши, бошқалардан фарқ қилиб туриши керак. Шунинг учун ҳам В. Г. Белинский ўзига хослик — талантнинг асосий белгиларидан бири, деб таъкидларди. В. В. Маяковский эса бизга кўп ҳар хил ва яхши шоирлар керак, деб айтарди. Санъатнинг бу қонуниятини эътиборга олиб, партия зиёлиларимизнинг ижодий изланишларини фаол қувватлайди.

Бадиий ижодда талант билан баробар дунёқарашнинг ҳам роли ниҳоят даражада катта. Истеъдод улкан бўлса ҳам, аммо дунёқараш тўғри бўлмаса, бундай санъаткорлардан халққа ва партияга фойда кам. Аксинча, баъзан катта зарар етмоқда. Шунинг учун ҳам Коммунистик партия ижодий интеллигенциянинг марксча-ленинча дунёқарашини тўғри шакллантиришга ва унинг ҳамиша юксак савияда бўлишига алоҳида эътибор беради.

Юрий Владимирович Андропов ҳаққоний равишда таъкидлаганидек, «Партия талантларга, санъаткорнинг ижодий изланишига ҳурмат билан қараб уларни ардоқламоқда, уларнинг иш формалари ва услубига аралашаётгани йўқ. Лекин партия санъатнинг моддий мазмунига бефарқ қарай олмайди».

Коммунистик партия кўп миллатли совет халқининг бадиий ижоди ҳамма жойда баробар гармоник равишда ривожланиб бориши учун тинмай ғамхўрлик қилади.

Шу жиҳатдан КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми ва Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг шу йил июль пленуми материаллари ва қарорлари бадиий ижод тараққиёти учун программ характерга эга ҳужжатлар бўлди.

* * *

**М**АЪЛУМКИ, адабиёт ва санъат йирик ижобий қаҳрамонлар орқали даврнинг ғоялари ва руҳини, асосий масалалари ва дунёқарашини ифода этади. Шу маънода ижобий қаҳрамон проблемаси ижоднинг сиёсий йўналишини белгиловчи омилдир. Ҳар бир яхши асарнинг ижобий қаҳрамони агар у бизни мафтун қила билса, гўё жонли шахсдек онгимизга жойлашиб қолади, ҳаётимизга ҳамроҳ бўлади.

Максим Горький янги жамият янги инсондан бошланади, дерди. Чиндан ҳам шундай. Аввал янги коммунистик тушунча, сўнгроқ шу фикрларни дунёқарашга айлантирган одамлар ва яна сўнгроқ шу қаҳрамонлар ҳаракати ва фидойилиги билан янги социалистик жамият бунёд этилди. Ижодимизнинг бош қаҳрамони давримизнинг энг илғор ғояларини ўзида тўла мужассам қилган инсон — коммунистдир.

Агар Шароф Рашидовнинг «Дил амри», Ўзбекистон ССР халқ ёзувчилари Сарвар Азимовнинг «Юлдузлар жамоли», Ҳамид Ғуломнинг «Мангулик», Раҳмат Файзийнинг «Чўлга баҳор келди», Иброҳим Раҳимнинг «Оқибат», Йўлдош Шамшаровнинг «Чироқ», Асқад Мухторнинг «Бухоронинг жин кўчалари», Мирмуҳсиннинг «Дегрез ўғли», Саид Аҳмаднинг «Уфқ» каби асарларининг ижобий қаҳрамонларини фикран ёнма-ён қўйсангиз, совет даври тарихининг турли этапларида майдонга чиқиб инқилоб қилиб, элга маърифат тарқатиб, меҳнатда жонбозлик кўрсатиб, интернационализмнинг ёрқин намуналарини кўрсатиб, Ватанимизни фашизмдан ҳимоя қилиб қаҳрамонлик кўрсатган ўзбек коммунистлари образининг ажойиб галереяси кўз олдингизда намоён бўлади.

Табиийки, бизни бугунги кун қаҳрамонлари кўпроқ қизиқтиради. Замондошимиз романда ва экранда, саҳнада ва полотнода ўзини, қилаётган меҳнати ва олиб бораётган курашининг бадиий интиҳосини кўришни истайди. Бадиий ижод ҳам худди шу воқеликни образли акс эттириш жараёнида унга муносабат билдиради: илғорларни қувватлайди, тарғиб қилади. Қолоқларни қоралайди, танқид қилади. Партия ҳам бизни бугунги ҳаёт проблемаларини кўпроқ кўтариб чиқишга даъват қилмоқда. Назариячилар ҳам замонавийлик адабиётнинг қалби, дейдилар. Зероки, бу жуда зарур ва айни вақтда, анча оғир масала. Чунки, бугунги ҳаётнинг бутун қонуниятлари, қаҳрамонлар фаолияти, иқтисодий йўналишлар ҳам нақадар тўғри эканлиги энди тасдиқдан ўтаётган пайт. Баъзан санъаткор ҳали ҳаётда тамомланмаган воқеалар орасидан боради, уларни умумлаштириб қаламга олади. Агар асар фақат оператив проблема очеркигина эмас, балки йирик эпик полотно бўлса, унинг қадри яна ҳам баландроқ бўлади.

Мамнуният билан қайд қилиш керакки, ўзбек прозасида бугунги куннинг турли хил ижтимоий ва иқтисодий, айниқса, маънавий масалаларини дадил ва тўғри кўтариб чиқиб, тараққиётимизга хизмат қилаётган бадиий асарлар анча бор. Шулардан намуна сифатида Иттифоқ миқёсида эътибор қозонган Одил Ёқубовнинг «Диёнат», Пиримқул Қодировнинг «Олтин камар», Саъдулла Кароматовнинг «Сўнгги бархан», Ўктам Усмоновнинг «Гирдоб» каби асарларини эслатиб ўтиш мумкин.

Бугунги ўзбек прозасини ранг-баранг мавзу ва ижодий услублар билан бойитиб турган, ҳаётнинг турли проблемаларини ўқувчилар диққат-эътиборига ташлаб, уларнинг тўғри ва тез ҳал қилинишига таъсир ўтказаётган истеъдодли адибларимиз орасида Темур Пўлатов ва Худойберди Тўхтабоев, Ўткир Ҳошимов, Нурали Қобул ва бошқа ўзбек ўқувчиларига яхши таниш адиблар бор.

Адабиётнинг ҳаёт билан алоқаси ҳақида бир мисолни эътиборингизга ҳавола этмоқчиман.

Яқин-яқинларда пахтани машинада териш янги, ҳали кенг тарқалмаган, прогрессив ҳодиса эди. Ўша йилларда қўл теримига маҳкам ёпишиб олган, шу йўл иқтисодда фойдали, ўнғай, маъқул, деб билган раҳбар ходимлар ҳам оз эмас эди. Улар терим машинасининг мукаммал эмаслигини ҳузур билан танқид қилар, толасини узяпти, сортини бузяпти, ёмғирда тўхтаб қоляпти, деб гап бермасликка уринардилар. Эҳтимол, бу гапларда озми-кўпми ҳақиқат бор эди. Аммо консерватизм, узоқни кўра билмаслик, қотиб қолган тушунчалар кўпроқ эди. Ҳозир биз еттинчи миллионни ушатяпмиз. Миллионлаб тонналарни бармоқ билан йиғиб, елкаларда кўтариб хирмон уйиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳаёт бу проблемаларни кардинал ҳал этишни талаб қилди. Партия дадиллик билан янгиликни қувватлаган, оғирликларни инсон елкасидан олиб, машина зиммасига юклаган эди. Ўша пайтда ижодий интеллигенциямиз бу янгиликнинг фаол тарғиботчиси бўлди. Деярли ҳар бир жиддий ёзувчимиз машина теримини мақтаб очерк ёки ҳикоя ёзди, жўшқин публицистик мақола билан чиқди. Назир Сафарнинг «Узоқни

